ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

ХИТОЙ ТАСВИРИЙ САНЪАТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИГА ТАЪСИРИ

Абдувоҳид Абдуваҳобович Исақов
Наманган давлат университети таянч докторанти
isakov.abduvokhid@mail.ru

Ваҳобжон Содиқович Буваев
Наманган давлат университети Амалий санъат ва рангтасвир кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада шу каби бетакрор тасвирий ва амалий санъат мактабларининг шаклланиши жараёнларида ўзаро алмашинувларнинг таъсирини ўрганилди.

Калит сўзлар: Мин санъати, Темурийлар санъати, миниатюра, нафис санъат, ўзаро алмашинув, тасвирий образ, жанрлар, тасвирий услуб, анъанавий композиция, тасвирий элементлар.

THE IMPACT OF CHINESE FINE ARTS ON CENTRAL ASIAN FINE AND APPLICATION ARTS

Abduvohid Abduvahobovich Isakov
Doctoral student of Namangan State University
isakov.abduvokhid@mail.ru

Vahobjon Sodiqovich Buvayev
Senior Teacher, Department of Applied Arts and Painting, Namangan State University

ABSTRACT

This article explores the impact of interactions on the formation of these unique schools of visual and applied arts.

Keywords: Min art, Timurid art, miniature, fine art, correlation, fine image, genres, fine style, traditional composition, fine art’s elements.

КИРИШ

Марказий Осиёда Темурийлар даврида тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшилди, хусусан, китоб графикаси (иллюстрация, минатюра, каллиграфия) санъати етакчи ўринда бўлганлиги, кўплаб амалий ва тасвирий санъат мактаблари шаклланганлиги, нодир архитектуравий иншоотлар қад кўтарганлигини эътироф этиш, ҳамда санъатнинг ривожланиши, ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлишида нафақат Европа санъати, балки

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

Шарқий Осиё мамлакатлари санъати ҳам алоҳида аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, Марказий Осиё тасвирий санъатида етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган, 15 асрнинг биринчи ўн йиллигида Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ (1377-1447 йй) томонидан асос солинган ва унинг фарзанди Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (1397-1433 йй) томонидан ривожлантирилган Ҳирот миниатюра мактабига оид санъат асарларида фикримизга яқққол далилларни кузатишимиз мумкин.

Қолаверса, ўзаро алмашинувларнинг мавжуд эканлигини Темурийлар даврида Шохрух Мирзонинг Мин саройидаги элчиси билан бирга саёҳат қилган Ғиёсиддин Халил Наққош ўзининг Хитойдаги таассуротлари ҳақида муҳим маълумотларни қайд этиб борганлиги ва бу маълумотлар “Зобдат ул Таворихи Бойсунғури” асарида ўз аксини топганлиги, Темурийлар саройида эса 160 га яқин Хитойлик элчихона вакиллари, жумладан тасвирий ва амалий санъат усталари ҳам борлигини тарихий маълумотлар орқали асослашимиз мумкин. Мазкур тарихий маълумотлар шуни англатидики, ўрта асрларда Марказий Осиё ва Хитой давлати ўртасида кенг маданий алоқалар мавжуд бўлиб, (Tibor, 2007) бу ҳамкорлик ҳар икки мамлакат тасвирий ва амалий санъатининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шарқий ва Марказий Осиёда Мўғуллар империяси таназзулга учраганидан сўнг, Хитойда Мин сулоласига, Ўрта Осиёда эса Темурийлар сулоласига асос солинди. Мазкур икки империялар гарчи маълум давр мобайнида ўзаро ўхшаш маданиятларга эга бўлган бўлсаларда, кейинчалик ўзларига тегишли ҳудудларда турли анъаналарга эга давлатларни яратдилар.

Улар нафақат сиёсий-ижтимоий жиҳатдан, балки маданият ва санъатни ҳам янги босқичга олиб чиқдилар. Бунда мазкур турли йўналишда ривожланаётган икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, маданий алмашинувлар жуда катта аҳамиятга эга бўлди ҳамда ҳар икки мамлакатда тасвирий ва амалий санъатда ўзига хос из қолдирди.

Мазкур мақолада ўзаро маданият ва санъатдаги алмашинувларнинг натижаси сифатида ўзига хос кўринишга ҳамда Марказий Осиё тасвирий санъатида алоҳида ўринга эга бўлган Марказий Осиё миниатюра санъатига Мин сулоласи даври Хитой тасвирий санъатининг таъсири тўғрисидаги фикрлар ёритилган.

Хусусан, Темурийлар даврида китоб графикасининг ажралмас қисми сифатида миниатюранинг ривожланиши ва тараққиётда халқаро муносабатлар,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

жумладан, Минг сулоласи даврида Хитой билан ҳамкорликнинг роли ва аҳамияти катта бўлган.

Амир Темур ва Темурийларнинг санъатга бўлган алоҳида эътиборлари Ҳирот, Самарқанд ва Бухорода шарқ миниатюра мактабларининг пайдо бўлишига олиб келди. Айниқса, 15 асрда Темурийлар авлоди Шоҳруҳ даврида асос солинган ва Бойсунғур Мирзо томонидан кенг қўллаб қувватланиб, шарқ миниатюра мактаблари орасида алоҳида ўринга эга бўлган Ҳирот миниатюра мактаби нафислиги ва ранги билан ажралиб туради. Ушбу миниатюра мактабининг услуби форс ва Хитой санъатининг ташқи таъсирини ўзида аниқ намойиш этади. Бу даврларда Темурий шаҳзодалар Хитой билан узвий алоқада бўлган. Шу сабабли, Ҳирот шаҳри 15 асрда Темурийларнинг асосий марказ шаҳарларидан бири сифатида намоён бўлади. Қолаверса, Ҳирот миниатюра мактабида, шубҳасиз, юксак интеллектни акс эттирадиган ва бадиий истеъдод туфайли нафақат дунёнинг табиий гўзаллигини, балки қимматбаҳо тарихий далилларини ҳам жуда эстетик жиҳатдан очиб берадиган санъат асарларини юзага келишига замин яратади.

Хитойда Мин династияси даври ва Марказий Осиёда Темурийлар даврида тасвирий ва амалий санъатдаги ўзаро таъсир жарёнлари ҳозирги даврга қадар бир нечта тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва кўплаб илмий мақолалар, докторлик диссертациялари ва китоблар чоп этилган. Мазкур манбааларни ўрганиш жараёнида бирламчи ва иккиламчи манбаалар сифатида таҳлил қилиш мумкин. Хусусан, бирламчи манбаалар сифатида Ғиёсиддин Халил-Наққошнинг “Хотиралар”, Хафиз Абрўнинг “Зобдат ул Таворихи Бойсунғури”, Абдул-Раззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-Саъдаин ва Мажмаъ ул-Баҳрайн”, Ченг Ченнинг “Ченг Ченнинг хотиралари” (His-yu hsing-cheng chi) асарларини олинса, иккиламчи манбаалар сифатида К.Маитри таржимаси остидаги “Форс елчилари Хитойга: Хафиз Абрў Зобдат ут Таворих асаридан парча” китоби, (A Persian Embassy to China: Being an Extract from Zubdatu't Tawarikh of Hafiz Abru.) Япониялик То Шугимура (Toh, Sugimura) томонидан ёзилган “Топкапи саройи музейидаги форс миниатюрасига тегишли 15 асрга оид айрим расмларда Хитойнинг таъсирлари” (“The Chinese Impact on Certain Fifteenth Century Persian Miniature Paintings from the Albums (Hazine Library Nos. 2153, 2154, 2160) in the Topkapi Sarayi Museum, Istanbul.”) мавзусидаги PhD диссертацияси ва шу мавзу асосида ёзилган илмий мақолалари, Цомбор Ражкай (Zsombor Rajkai)нинг “Темурийлар империяси ва Хитойнинг Мин династияси: икки империянинг алоқалари борасидаги назариялар ва ёндашувлар” мавзусидаги PhD диссертацияси (The Timurid empire and the Ming China: theories and approaches

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

concerning the relations of the two empires) ҳамда “Япония ва Хитой томонидан Темурийлар ва Мин династияси алоқаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлари” (Japanese and Chinese research on the Timurid-ming chinese contacts) рисоласи, Юсен Ю(Yusen Yu)нинг “Мин даврида хитой таассуротлари-Форсий рангтасвир” (Representing Ming China in Fifteenth-Century Persianate Painting) номли, Самина Шейхнинг Хитойнинг Форсий китоб графикаси иллюстрацияларига таъсири (Chinese Influence in Persian Manuscript Illustrations), Базиль Грайнинг “8-15 асрларда Форсларнинг Хитой санъатига таъсири” номли, Давид Роуксбургнинг “Ғиёсиддин Наққошнинг “Хотиралар”и, Хон Балихга Темурийларнинг карвони ва Хитой санъати ва архитектураси” (The "journal" of Ghiyath al-Din Naqqash, Timurid envoy to Khan Balïgh, and Chinese art and architecture) ҳамда “Камолиддин Беҳзод ва у форсий рангтасвир мактаби асосчиси” (Kamal al-Din Bihzad and authorship in persianate painting) номли, Моррис Россабининг “Осиё ичкарисига икки карвон” (Two envoys to inner Asia) номли, Уолтер Деннининг “Хитой мавзусига асосланган Ҳаворанг ва оқ рангли Исломий кулолчилик” (Blue and white Islamic pottery in Chinese themes) мақолаларини олиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган манбаалар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро сиёсий ва маданий алоқалар ҳақида тарихий асосланган маълумотлар беради. Айниқса бирламчи манбаалар ўша даврда яшаб, жараёнларни бевосита кузатган инсонлар томонидан ёзиб қолдирилгани билан аҳамиятлидир. Аммо, бирламчи асарларнинг айримлари бизгача тўлиқ етиб келмаган, уларнинг фақатгина маълум бир қисми ўша даврга оид бошқа китобларда ёзиб қолдирилган ёки таржима сифатида сақланиб қолган.

Шунингдек, мазкур келтириб ўтилган адабиётлар асосан мамлакатларнинг санъатлари ўртасидаги ўзаро таъсирларга қаратилган бўлиб, икки давлат тасвирий ва амалий санъатининг ўзига хос томонларини ўрганишда қўшимча адабиётлар ва манбааларга мурожаат қилинди. Бундай манбааларга Крег Клунас (Craig Clunas)нинг “Хитойда Мин сулоласининг хукумати ва алоқалари” (Ming China courts and contacts), Е.Э.Бертельснинг “Эрон санъатида бадиий образ(9-15 асрлар)”(Художественный образ в искусстве Ирана(9-15 век)), Кристиан Губернинг “Темурийларнинг “Меърожнома” китоби” (The Timurid “Book of Ascention” (Mi’rajnama)), М.С.Димандннинг “Мухаммадий безак санъати қўлёзмалари” (A Handbook of Mohammedan Decorative Arts),

Бу эса, ўз навбатида, Мамлакатимиз тасвирий санъати тарихи ва ривожланиши назариясини янада мукаммалроқ ўрганиш учун Хитой тасвирий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

санъати тарихини ва унинг Марказий Осиё тасвирий санъати билан ўзаро алоқаларини ўрганишни тақозо этади.

НАТИЖАЛАР

Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги маданий алмашинувларда ўзаро дипломатик алоқаларнинг ўрни.

Хитой тасвирий санъатининг 14-15 асрларда Марказий Осиёда ривожланган миниатюра санъатига таъсирини ўрганишдан аввал Осиёда мўғуллар хукмронлиги даври ва давлатлараро алоқаларга тўхталиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, бу даврда Марказий Осиёдан Эронгача бўлган ҳудудни эгаллаган Салжуқ Турклари Хитой билан ўзаро алоқалари натижасида унинг шимолий Ляо (907-1125) ва Чин (1115-1234)династиялари ҳудудларига хос бўлган айрим маданият элементларини ўзлаштирганликларини кўриш мумкин. Мисол учун, Ляо династиясининг учинчи авлодига тегишли Кинглинг (Qingling-秦岭)да жойлашган мақбарадаги деворий суратлардан Хитой ва Осиё маданиятидаги бевосита алоқаларни яққол намоён этади. (Shigimura, 1992). Хусусан, мазкур тасвирларда ишлатилган табиий ранг, услуб ва ўзига хосликларини Осиё миниатюра асрларида такрорланади. (Tamura Jitsuzo, Kobayashi Yukio, 1952-53)

Шунингдек, Мўғулларнинг Марказий Осиё ва Ўрта Шарқдаги хукмронлиги хам Хитой билан ўзаро савдо, сиёсий алоқаларни кенгайишига ва маданий алмашинувларни тезлашишига олиб келди. Бу даврда Хитой тасвирий санъатининг таъсири миниатюраларда яққол кўзга ташлана бошлади. Хусусан, Табризда ривожланган санъат мактабларида Рашидиддиннинг “Жаъми ал-Таворих”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” каби асарларига ишланган миниатюраларда Хитой мактабларининг таъсирини сезиш мумкин. Мазкур расмларда рассомларнинг асосан Хитой расмларидаги табиат манзаралари, жумладан, Линг-жи деб номланган ғунчалаган дарахт шохлари, тоғлар ва қоялар, қўзиқорин шаклидаги булутлар ва мўтадил ранглар уйғунлигидан илҳомланганлар ва уларни миниатюраларда қўллай бошлаганлар. Бу тасвирий элементлар эса Сун ва Юан даврига тегишли рамлардан олинган. (Sheikh, 2017)

14-15 асрларга келиб Шарқий ва Марказий Осиёда Мўғуллар империяси (1206 - 1368 йй.) таназзулга учраганидан сўнг, Хитойда Чжу Юаньчжан (император Хунву, тахминан 1368 – 1398 йй.) томонидан Мин сулоласига, Ўрта Осиёда эса Амир Темур (1336-1405 йй.) томонидан Темурийлар сулоласига (1370 - 1507) асос солинди. Мазкур икки империялар гарчи маълум

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

давр мобайнида Чингизхон (1162-1227 йй.) ва унинг авлодлари тасарруфида ўзаро ўхшаш маданиятларга эга бўлган бўлсаларда, кейинчалик ўзларига тегишли ҳудудларда турли анъаналарга эга давлатларни яратдилар. (Shea, 2018)

Улар нафақат сиёсий-ижтимоий жиҳатдан, балки маданият ва санъатни ҳам янги босқичга олиб чиқдилар. Хитой қадимги анъаналарини тиклашга уринган бўлса, Темурийлар кўпроқ ғарбий Осиёнинг сиёсий-маданий йўлини танлайди. Турли йўналишда ривожланаётган икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари эса маданий алмашинувларда жуда катта аҳамиятга эга бўлди ҳамда ҳар икки мамлакатда тасвирий ва амалий санъатда ўзига хос из қолдирди.

Бу даврда Марказий Осиёда Амир Темур ва Темурийлар томонидан хукмронликни қўлга олиниши маданий марказни Табриздан Самарқандга ва Ҳиротга кўчиб ўтишига замин яратади. Бу жараён шарқий ва ғарбий Осиёни ўзаро боғлаб турувчи алоқаларни янада мусткамлади ҳамда маданият ва санъатни яна бир даража юқори кўтарилишида муҳим рол ўйнайди.

Мазкур алоқаларларнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини Минг сулоласи давридаги давлат сиёсатини таҳлил қилиш орқали кўриш мумкин. Хусусан, Минг хукумати Хитойнинг сиёсий анъаналарини қайта тузиб чиқди ва у чегараларни ёпиб, ташқи алоқаларни хукумат томонидан монополлаштиришга киришди. Бу эса одамларни чегаралар орқали эркин ҳаракатларини чекланишига олиб келди. Бу услуб Хитойда Юань даврига қадар бўлган анъаналарни давом эттириб, Хитойни цивилизация маркази сифатида кўриш, ён атрофдаги мамлакатларни эса худди унга қарамдай кўрсатиш назариясига асосланган эди (Tibor, 2007). Темурийлар давлати эса ана шу ислоҳотлар даври: Хитой барча чегараларни мустаққамлаётган, хорижий мамлакатлар билан тор доирадаги алоқалар ўрнатаётган ва ўзнинг қудратини тан олинишини талаб қилаётган бир вақтда шаклланди. Хитойнинг бундай сиёсати бошқа мамлакатларни унинг ҳудудларида эркин фаолият олиб оришига тўсқинлик қилар эди ва ўзаро тенгсизликка асосланган алоқалар ўрнатилишига мажбур қилар эди. Мамлакатдаги чекловлар ташқи сиёсатнинг муҳим қисми бўлиб, турли катерогияларга бўлинган. Темурийларда эса икки йўл бўлган холос: бўйсуниш ёки қарши чиқиш. Аммо, бу каби чекловлар икки мамлакат ўртасида алоқаларни умуман тўхтаб қолишига сабаб бўла олмаган, аксинча, улар доимий алоқада бўлишни қўллаб-қувватлаганлар. Балки бунга ўзаро манфаатли мақсадларнинг мавжудлиги сабаб бўлгандир, аммо шуни назарда тутиш лозимки, хар икки мамлакатни бир-бирларидан кутаётган манфаатлари фарқ қилган. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар Хитой ва Темурийларнинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

алоқаларини бир томонлама эмас, синологик жиҳатдан ўрганишни тавсия қиладилар.

Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқаларни яхшироқ таҳлил қилиш учун Хитойнинг ташқи алоқалар учун қўллаган муносабатларининг тўрт кўринишини ўрганиб чиқиш лозим. Биринчиси ўзига хос тайинлаш тизими(cefeng tizhi)га асосланган бўлиб, бунда мамлакат Хитой императорининг ёрлиғи(waichen)ни қабул қилади ва унга тўлиқ бўйсунади. Иккинчиси иттифоқ тизими((huimeng tizhi) бўлиб, унда ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ўзаро никоҳ орқали мустаҳкамлашга асосланган. Учинчиси эса Хитой хукуматига солиқ тўлашга асосланган бўлиб (chaogong tizhi), бу маблағ дипломатик муносабатлар учунгина тшланган ва хорижий мамлакатни қарамлигини билдирмаган. Тўртинчиси эса савдо алоқалари(tongshang guanxi)га асосланган бўлиб, доимий муносабатларни назарда тутмаган. Тумурийлар эса асосан учинчи ва тўртинчи категорияга кирувчи алоқаларни ўрнатганлар ва категорияларнинг ўрни даврлар давомида ўзгариб турган.

Айниқса, Темурий шахзода Шоҳруҳ (شاهرخ Šāhrokh(1377-1447)) иимператор Ёнг Ле (Yong Le, асл исми Zhu Di-永樂帝 (1402 -1424)) билан икки давлат ўртасидаги савдо ва маданий алоқаларни тиклайди. Шунинг таъкидлаш лозимки, мазкур жараёнда Хитойнинг ташаббуси эътиборга молик. Фикримизни Ёнг Ле томонидан Шоҳруҳга юборилган мактубда икки мамлакат ўртасидаги йўлларни савдо муносабатлари учун очиқ қолдириш ҳақидаги таклифи исботлаб беради.

Савдо алоқаларининг ўрнатилиши икки давлт ўртасидаги муносабатларга бироз илиқлик ҳам киритган. Хусусан, 1414 йилда император Ёнг Ле Хитой томонидан Ли Да бошчилигидаги элчилар гуруҳини Марказий Осиёга юборади, шунингдек, Шоҳруҳ томонидан ҳам Хитойга элчилар карвони юборилган.

Хитой элчилари қаторида Ли Дадан сўнг иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган шахс Чен Ченг саёҳат ҳақидаги тассуротларини ўзининг кундалигида қайд этиб боради. Кундаликда ёзилишича элчилар Марказий Осиёнинг 20 та ҳудудида бўлиб қайтади. Булар қаторига Бухоро, Шероз, Қошғар ва Андижон шаҳарлари ҳам киради. (Tibor, 2007) Чен Ченг умумий жисобда жами 3 маротаба Марказий Осиёда бўлиб қайтади.

Марказий Осиёдан юборилган элчилар қаторида эса Ғиёсиддин Халил Наққош ҳам бўлиб, у ҳам сафар таассуротларини кундаликда қайд этиб борган. Ғиёсиддин Халил Наққош саёҳатнинг асосий вақти-беш ойни Хитойнинг Пекин

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

шаҳрида ўтказади, шунингдек у сафари давомида икки ой Гуанжу ҳамда бир ой Сиджу шаҳарларида ҳам бўлади.

Элчилар алмашинувининг аҳамиятли томони шундаки, ҳар икки мамлакатнинг элчилик вакиллар ўзларининг хукмдорлари томонидан тақдим этилган совғаларни ҳамкор мамлакат раҳбарига етказиб бериш вазифасини ҳам бажарганлар. Ана шу тортиқлар ичида эса, шубҳасиз, тасвирий ва амалий санъат намуналари ҳам бўлган. Айниқса, савдо алоқаларида аҳамиятли бўлган амалий санъат намуналари кўпроқ учрайди. Чунки, бу даврларда Хитойда ҳам, Темурийлар ҳудудида ҳам ўзига хос чиннисозлик ва кулолчилик мактаблари шаклланган бўлиб, уларни экспорт қилиш ҳам икки мамлакат учун манфаатли бўлган. Тасвирий санъат асарлари эса кўпроқ қўлёзмалар орқали кириб келган.

Хар икки мамлакат раҳбарлари томонидан тинчлик ва дўстона муҳитда олиб борган сиёсати ўзаро хамкорлик алоқаларини жуда мустаҳкам ва бир маромда бўлишини таъминлайди. Мазкур даврда икки давлат ўртасида элчилик ва савдо карвонлари мунтазам алмашиниб туради ва бу жараён санъат атрибутлари ва рассомларни ҳам янги ижоий ғоялар, шакллар, техникалар ва услубларини ўзлаштиришларини тезлашишига омил бўлди.

Хитой тасвирий санъати воситаларининг миниатюрага таъсири намуналари.

Хитойнинг миниатюрага таъсири натижасида ишланган кўплаб тасвирий санъат асарлари намуналари бугунги кунда Топкапи саройи Музейи, Истанбул, Европа ва Америка Қўшма Штатларидаги музейларда сақланиб келмоқда. Хусусан, Топкапи сарой Музейида сақланаётган ва Хитой услубини яққол такрорлайдиган асарларнинг аксарияти китобларга ишланган миниатюралар эмас, балки алоҳида ишланган портретлардир, шунга қарамай улар шарқона бадиий безаклар билан ҳошияланган. (Ghiasian, 2018) 14-15 асрларда Хитойда портрет, манзара ва “гуллар ва қушлар” жанри энг кенг тарқалган бўлсада, шарқ миниатюрасига улардан фақатгина портрет ва манзара жанрига хос хусусиятлар ўзлаштирилган ва Марказий Осиё услубларига мослаштирилган. 1-расм Жумладан, Ҳиротда Темурийлар даврига оид айрим асарларни Хитой услубига кўра чизилган деб тахмин қилинади. Чунки, бу каби расмларнинг муаллифи сифатида хитойлик рассом қайд этилмаган, ҳатто хитойлик рассомнинг индивидуал услубини ҳам аниқлаб бўлмайди, аммо тасвирларда қўлланилган образлар ва чизиш техникаси хитойликларнинг тасвирий санъат мактабларига тегишлилиги яққол сезилади. “Гуллар ва қушлар” жанрига хос бадиий безаклар ҳам учраб турсада, улар кам сонни ташкил этади. 2-расм.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

1-расм. Муҳаммад Шайбонийхон портрети. Камолиддин Беҳзод. 16 аср. (Кора Тимкен Барнетнинг хусусий коллекцияси. АҚШ).



2-расм. Темурийлар даври кулолчилиги. Самарқанд 15 аср.



Янги услубнинг ўзлаштирилиши.

Осиё рассомлари ва ҳунармандлари томонидан Хитой тасвирий ва амалий санъатига тегишли услубларни ўзлаштириш жараёнини икки қисмга бўлиш мумкин:

-юзаки кўчириш

-элементларни маҳаллий анъаналар билан биргаликда қўллаб янги композициялар яратиш.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

Биринчи услубга мисолларни Истанбулнинг Топкапи саройи музейида сақланаётган расмларида кўришимиз мумкин. Уларда дарахтт шохига қўниб турган қшлар тасввирланган бўлиб, ранг ва композицион хусусиятлари Хитой расмларини яққол такрорлайди. Жумладан, “Бир расмда (3 расм) қушнинг шохда қўниб турган вазияти хитойлик рассомга тегишли “Қиш оқшомидаги қахратон совуқ” асаридан юзаки кўчирмага ўхшайди”-дейди Шимолий Сун ҳудуди рассоми Суй Бай(Cui Bai-崔白). (Shigimura, 1992)

Ўзлаштиришнинг иккинчи усули-алоҳида мотивлар, услублардан композициялар яратишдир. Бу усулнинг ўзига хослиги шундаги унда икки хил композициядан бир мукаммал композиция яратилади, ёки икки композицияни биргаликда, ёнма-ён ишлатилади. Бунга мисолни Марказий Осиё рассомларига тегишли 15 асрга оид “Боғда дам олаётган Шаҳзода”(A Prince Seated in a Garden, 1425-1450) асарида кузатиш мумкин. 3-расм

3-расм. “Боғда дам олаётган Шаҳзода”(A Prince Seated in a Garden, Марказий Осиё, Темурийлар даври 1425-1450.)



Баъзида бу каби манзара жанрини гуллар жанри билан бирга қўлланилиши натижасида турли хил элементларни бирлашиши эклектик характерга эга бўлиб боради, ёки бошқача айтганда стилизацияга олиб келганлиги кўринади.

Мазкур услубда ишланган расмларнинг аксариятида ўсимликларнинг фақат юқори қисми, хусуан, гуллар, куртаклар, барглар, буталар ва дарахт таналари таасвирланади, баъзи ҳолларда эса тепаликларда тасвирланган бутун

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

дарахт танасининг расмларини ҳам кўришимиз мумкин. Топкапи саройидаги расмлар устида тадқиқот ўтказган То Шигимуранинг таъкидлашича, бу асарларнинг ижодкорлари шубҳасиз Хитой тасвирий санъати воситаларига таянган.

Шунингдек, Темурийлар даврида ёзилган "Меърожнома"га яратилган минатюралар-бу ўша даврнинг тасвирий санъатини намоёт қилади ва шубҳасиз ўша йиллар моҳир рассомлар даври эди деб айтилса муболаға бўлмайди. Баъзи манбааларга кўра Ислом динини Темурийлар империяси чегараларидан ташқарида ёйишга интилган ва Хитойнинг Мин сулоласи билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатган Шоҳрух Мирзо Темурийлар даврида «Меърожнома»нинг нусхасини яратилишини тавсия қилади ва тасвирий санъат усталарининг катта ҳиссаси билан "Меърожнома"га кўплаб иллюстрациялар ишланади. Бу Шох Рухнинг пайғамбар Муҳаммад (с.а.в) нинг суннатларини қайта тиклашга бўлган доимий уриниши ва рассомларнинг шарқий Осиё санъатига бўлган қизиқишининг табиий натижаси эди. (Sheikh, 2017) Жумладан, 1436 йилда Ҳиротда Шоҳрух учун нусха кўчирилган ва тасвирланган ажойиб қўлёзмадаги Пайғамбарнинг шаршаралар ва жаннат ва дўзахгача бўлган саёҳатлари миниатюрасида Хитой тасвирий санъатининг таъсири сезилиб туради. 4-расм

4-расм. Мир Ҳайдар. Пайғамбар Муҳаммад(с.а.в) Бурок отига минган ҳолда фаришта Жаброил билан учрашуви. Ҳирот, 1436




Мазкур расмдаги жаҳаннамга ташриф буюрган Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) тасвирланган саҳналар ҳайратланарли. Расмларда ҳар доим Муҳаммад (с.а.в.) унинг Бурок оти ва олтин булутлар орасида ҳамда ўнг томонида Жаброил тасвирланган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

Тасвирлардаги эътиборли жиҳатлар шундаки, миниатюралардаги муқаддас кишилар энди думалоқ ҳало билан ажралиб турмайдилар, унинг ўрнига орқа томондан кўтарилган оловли ҳалқалар ишлатилган. Бу услуб Хитой ва Марказий Осиё услубларининг ўзаро таъсири натижасидир. Форсларда "шон-шараф нури" сифатида танилган “Ҳало” Сосонийлар даврида келиб чиққан деб ҳисобланган. Кейинчалик думалоқ диск шаклидаги ҳало ҳукмдорларни тасвирлашда одатий воситага айланган бўлиб, 15 асрда Хитой тасвирий санъати таъсири натижасида ўзгартирилган шакл-муқаддас фигуралар атрофида учқунли алангаларнинг шакли кўринишида намоён бўлди. Бу каби мисоллар Шоҳномага ишланган миниатюраларда учрайди. 5-расм

5 расм. Муҳаммад(с.а.в.), Али, Ҳасан ва Ҳусан. Шоҳномага ишланган миниатюра. 1436 йил. Ҳирот



МУҲОКАМА

Тадқиқот ишини тўлақонли ёритиш жараёни илмий манбааларга бўлган эҳтиёж катта эканлигини англатди. Хусусан, бирламчи адабиётларнинг асл нусхалари бизгача етиб келмаган бўлиб, хулосаларни унинг бошқа адабиётларда келтирилган маълумотларига таянишни тақозо қилди.

Шунингдек, иккиламчи адабиётларни ўрганиш жараёнида Хитой тасвирий санъатининг Марказий Осиё нафис санъатига таъсирини аксарият ҳолларда бир томонлама ўрганилган манбааларга асосланилди. Чунки, мазкур ўзаро таъсирлар ҳақида кўпроқ Шарқий Осиё, хусусан, Хитой ва Япония олимларининг илмий изланишларида, шунингдек, айрим ҳолларда Европа тадқиқотчиларининг қарашлари келтирилган мақолаларида ёритиб берилган холос. Бу эса, мазкур жараённи холисона ёритишда иккинчи томон-Марказий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00206

Осиёдаги мавжуд манбааларни қидириб топиш ва таҳлил қилишни талаб этмоқда.

ХУЛОСА

Хитой тасвирий санъатига тегишли услуб ва воситаларнинг Марказий Осиё рассомлари ижодида учратишимиз, бу рассомлар Хитой тасвирий санъатига узоқ йиллар давомилда қизиқиш билдирганлари, ўз асарларида тажрибаларни амалда қўллаб келганларини англатади. Улар Хитойнинг турли хил декоратив мотивлари ва манзара жанрига хос элементларини ўзлаштирган бўлиб, бундай услуб ҳаттоки асрлар давомида сақланиб қолган.

Хусусан, рассомлар хитой рассомсҳилигидан баъзи элементларни олишга ва уларни қайта ишлаш орқали ўзларининг анъанавий эстетик қарашларига мос тарзда қўллашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Хитой тасвирий санъатидан олинган ғоя-баъзан тўсиқ ёки панжара ортида жойлашган ва гуллаган новдалар кўпинча маҳаллий-анъанавий композиция билан бирлаштирилган.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё рассомларининг хитой услубларидан илҳом олганликлари ва кўпгина Хитой тасвирий санъат анъаналарига хос бўлган услуб ва воситаларни ўзлаштирганларига қарамай, Марказий Осиё миниатюра мактабларидаги мавзу, услуб, восита ва техникаларни тубдан ўзгартирмади, балки уни янада ёркинроқ ва таъсирчанроқ кўринишга эга бўлиши учун хизмат қилди.

REFERENCES

1. Ghiasian, M. R. (2018). The Topkapı Manuscript of the Jāmiʿ al-Tawārikh (Hazine 1674) from Rashididiya to the Ottoman Court: A preliminary Analysis. Iranian studies, 399-425.
2. Shea, E. L. (2018). The Mongol Cultural Legacy in East and Central Asia: The early Ming and Timurid courts. Ming studies, 32-56.
3. Sheikh, S. Z. (2017). Chinese Influence in Persian Manuscript Illustrations. International Journal of Multidisciplinary and Current Research, 856-864.
4. Shigimura, T. (1992). Chinese influence on persian paintings of the fourteenth and fifteenth centuries. Senri Ethnological Studies, 32, 135-146.
5. Tamura Jitsuzo, Kobayashi Yukio. (1952-53). Tombs and mural paintings of Ch'ing-ling, Liao Imperial Mausoleums of Eleventh century a.d. in Eatern Mongolia. Kyoto: Kyoto University Press.
6. Tibor, R. Z. (2007). 59-170. From Doktory.btk.elite.hu: http://doktori.btk.elte.hu/hist/rajkai/diss.pdf